



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул.Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2018 у.г «10» декабр

№ 3345-У

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Иштихон тумани “Қайирма” МФЙ ҳудудидаги “Қайирма” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби бўлган фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовнага “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарори ҳамда фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовнага 2018 йил 10 декабрдаги аризасига асосан тумандаги “Қайирма” МФЙ ҳудудидаги “Қайирма” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовнага “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қурилиши учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 20 ноябрдаги № YU 0706-000003-сонли баённомаси, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосланган ҳолда,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Қайирма” МФЙ ҳудудидаги “Қайирма” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовнага “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қурилиши учун жами 0.07 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ғолиблиги бўйича “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасининг электрон-онлайн аукцион натижалари тўғрисидаги 2018 йил 20 ноябрдаги № YU 0706-000003-сонли баённомаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Қайирма” МФЙ ҳудудидаги “Қайирма” қишлоғида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган ер майдонида электрон-онлайн аукцион ғолиби деб топилган Эргашова Адолат Фурқатовнага “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси” қурилиши учун жами 0.0716 гектар ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси фойдаланилмайдиган ер майдони қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин.

3. Фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовнага.
- а) Самарқанд вилояти архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан архитектура режалаштириш топшириғининг (АРТ-1,2) қисмларини олсин;
 - б) Лойиҳа ҳужжатларини вилоят, туман мутахассислари тасдиғидан ўтказсин;
 - в) Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказсин;
 - г) Самарқанд вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсат олсин;
 - д) Бино-иншоотларни қуриш ва фойдаланиш даврида архитектура, санитария ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талабларига амал қилсин;
4. Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-модда, 6-бандига асосан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланганда ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилиниши тўғрисида фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовна огоҳлантирилсин.
5. Фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовнага қурилиш ишларини бошлашга мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатилган шартлар бажарилгандан сўнг рухсат этилсин.
6. Қурилиш ишлари тугагач, объектни туман қабул ҳайъатига топширсин.
7. Вилоят Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси туман филиалининг рўйхатдан ўтказиш бўлими томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда фуқаро Эргашова Адолат Фурқатовна ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилсин.
8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов